

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИДА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТИ

Тўхтасин Нурмаматович Иминов

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
“Агробизнес ва маркетинг” кафедраси доценти, и.ф.ф.д.

E-mail: iminov68@list.ru

Дилафруз Тожидиновна Джумабоева

Логистика (агрологистика) мутахассислиги 2-босқич магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, бугунги кундаушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган долзарб масалалар ёритилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти логистикасини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: экспорт, логистика, агросаноат мажмуаси, рақобатбардошлиқ, интеграциялашув, аграр бозорлар, жаҳон сифат стандартлари

ABSTRACT

The article describes the role of agriculture in the economy of our country, current issues of further development of this sector. Recommendations on further development of the logistics of export of agricultural products were given.

Key words: export, logistics, agro-industrial complex, competitiveness, integration, agrarian markets, world quality standards.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни кенгайтиришда экспортчи корхоналарнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, уларни амалга ошириш йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда экспорт стратегиясини шакллантириш корхоналарнинг ҳозирги пайтда кучли рақобат шароитида ўз ўрни ва мавқенини тўғри белгилаб олишига ёрдам беради. Жаҳон бозорларида рақобатнинг кескин тус олиши шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда

корхоналар ўз мақсад ва вазифаларини белгилашда нафақат маҳсулотга бўлган оддий талаб ва таклифдан келиб чиқишилари, балки, биринчи навбатда, салоҳиятли истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари ҳамда мақсадларини доимо диққат марказда тутиб, уларни чуқур ўрганишлари ва шу шароитга мос келадиган стратегияни амалга оширишлари муҳим бўлиб қолмоқда [10].

Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш борасида халқаро интеграциялашув жараёнларининг кучайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан жаҳон бозорларига кириб бориш учун маълум бир билим ва кўникмалар ҳамда ишончли ахборот каналларига эга бўлишни талаб этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда минтақаларнинг ўрнини ўрганиш, жаҳон савдо тизими ва аграр бозорларига интеграциялашувининг назарий ва ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан саналади. Шу муносабат билан турли усуллар ва механизmlарни қамраб олган, қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини таъминлашга имкон берувчи жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш ва унда минтақаларнинг ўрнини ошириш масалалари алоҳида долзарблик касб этиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ / METHODS)

Чет эллик муаллифлар хизмат логистикасини ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилишда “хизматга жавоб бериш логистикаси” (service response logistics – SRL) атамасидан фойдаланадилар. Бу хизматларни энг тежамкор тарзда тақдим этиш ва мижозлар эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган логистика операцияларини мувофиқлаштириш жараёнини англатади [1].

Логистик хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча ишларни А.М. Гаджинский ва Г. Г. Ивановлар учта асосий гурухларга: сотишдан олдинги, сотиш жараёнидаги, сотувдан кейинги логистик хизмат кўрсатишга бўлишади [2,3].


Г.А.Саматов, Б.И.Камилджанов, Ф.Р.Галимовалар Логистик хизматларнинг кенг номенклатураси ва уларнинг сифати ўзгариши мумкин бўлган катта диапазон, фирманинг рақобатбардошлигига ва ҳаражатлар

катталигига хизматларнинг таъсири, шунингдек бир қатор бошқа омиллар фирма учун истеъмолчиларга логистик хизмат кўрсатиш соҳасида аниқстратегияга эга бўлиш зарурлигини таъкидлайдилар [8].

Илмий мақолада таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, иқтисодий таҳлил, гурӯхлаш, эксперт баҳолаш ва таққослаш усулларидан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)

Рақамли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини илмий ва назарий жиҳатдан ўрганиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт потенциалини оширишнинг иқтисодий- ижтимоий аҳамиятини ёритиб бериш; қишлоқ хўжалигига маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлилқилиш асосида жараёнга баҳо бериш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш ҳолатини таҳлил қилиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт таркиби, экспорт қилишдаги рискларнинг таъсирини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишдаги таъсир этувчи омилларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш фуқаролик позициясидан қатъий назар, ҳар бир мутахассиснинг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда паҳтани кайта ишлаш, ёғмой саноатига хом ашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.



1-расм. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг динамикаси ва таркиби [9].

Ушбу 1-чизмадан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Айниқса мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида сабзавотлар ва меваларни улуши юқорилиги билан, узум, ер ёнғоқ, қовун ва тарвузларнинг улуши эса камлиги билан ажралибтурибди. Демак узум, ер ёнғоқ, қовун ва тарвузларнинг экспортдаги улушини ошириш лозим.

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг ташқи бозорларга экспортини ривожлантиришда улкан салоҳиятга эга. Аммо шуни унутмаслик керакки, салоҳият ва уни амалга ошириш икки хил тушунча. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

ҳажмини ошириш учун кўп ишлар қилинмоқда, аммо маҳсулот етиштириш ҳажмининг ўсиши автоматик равишда экспорт ҳажмини қўпайишига олиб келмайди.

МУХОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / ДИССУССИОН)

Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини 1-жадвалдан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу маҳсулотларнинг қарийб 90 фоизи 8 та мамлакатга, деярли 70 фоизи эса 3 та давлатга яъни Қозогистон, Россия ва Қирғизистонга экспорт қилинади. Қайси мамлакатлар бозори ҳисобига Ўзбекистон экспорт ҳажмини ошириши мумкин: юқорида кўрсатилган мамлакатларга экспорт ҳажмини ошириш ҳисобигами ёки экспорт географисини кенгайтириш ва диверсификалаш орқалими? Агар Ўзбекистон юқори сифатли ва хавфсизлик кўрсаткичлари талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширса, бундай маҳсулотларни дунёнинг исталган мамлакатига экспорт қилиш имкониятига эга, ҳаттоқи маҳсулот сифати ва хавфсизлиги бўйича юқори талабга эга бўлган давлатларга ҳам.

1-жадвал

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт географияси [9]

маҳсулотларининг асосий экспорт географияси [9]

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий ташки бозорлари (экспорт географияси)						
	2017	2018	2019 (январь–октябрь)			
	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда
Қозогистон	472,0	52,2	584,7	47,5	473,1	40,8
Россия	165,2	18,3	238,2	19,4	214,9	18,5
Қирғизистон	52,9	5,9	88,2	7,2	109,4	9,4
Афғонистон	52,7	5,8	73,4	6,0	32,8	2,8
Туркия	27,7	3,1	23,0	1,9	58,5	5,0
Хитой	21,9	2,4	66,9	5,4	36,4	3,1
Покистон	6,2	0,7	29,8	2,4	34,2	3,0
Украина	7,3	0,8	14,8	1,2	52,7	4,5



UzAnalytics

Шубҳасиз, Осиё мамлакатлари (айниқса Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари энг истиқболли муқобил бозорлардир.

Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ва уларни экспорт қилувчилар асосий қуийидаги хатоларга йўл қўймоқдалар:

1. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бизнес-режалардаги ҳаражатларни ҳисоблашдаги хатоликлар.

2. Бизнес-режада маркетинг ҳаражатлари ҳисобга олинмаслиги.

3. Маҳсулотни сақлаш, истеъмолчи учун тайёр маҳсулотга айлантириш ва маркетинг билан боғлиқ ҳаражатларни бизнес воситачига юклиши.

Ўзбекистон географик жиҳатдан барча ташқи бозорлардан (мева ва сабзавотлар экспорти учун) узоқ масофада жойлашган. Бу дегани, маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳаражатлари, яъни логистика ҳаражатлари доим юқори бўлади. Шу сабабли, арzon нархдаги маҳсулотларни экспорт қилишнинг маъноси йўқ даромадли экспорт учун маржа етарли даражада бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, мамлакатда ишчи кучининг етарлилигидан ҳам фойдаланиш лозим, ҳосил йифим-терим жараёни қанчалик меҳнат талаб ва ҳаражатли бўлса, Ўзбекистоннинг ушбу маҳсулотни экспорт қилиш имконияти шунчалик юқори бўлади. Албатта, маҳсулотнинг сифати, хавфсизлиги ва унинг сақланишини таъминлаш зарур инфратузилма ва билимларнинг мавжудлигига ҳам боғлик.

2019-2024 йилларда 3 млн тонна қувватга (367 млн.долл) эга бўлган 8 та йирик замонавий агрологистика марказларини 1-босқичидаги 3 та лойиҳалар учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таъсисчилигига Андижон вилоятида 18 га, Самарқанд вилоятида 22 га ва Тошкент вилоятида 30 га ер майдонлари ажратилади.

“Uzagrologistics Centers” МЧЖ бошқарув компанияси ташкил этилди, лойиҳани амалга ошириш гурухи шакиллантирилди, агрологистика комплекслари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун Франциянинг “Rungis Semmaris” компанияси танланиб, Осиё тараққиёт банки томонидан маъқулланди ва 2020 йилнинг 9 декабрида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Франциянинг “Rungis Semmaris” компанияси ўртасида асосий келишув (Рамочное соглашение) имзоланди.

2020 йилда Республика бўйича жами қуввати 737,6 минг тонна бўлган 51 та агрологистика марказлари (Қароргача жами қуввати 597,2 минг тн. бўлган 31 та

марказ мавжуд эди) фаолият юритмоқда, шундан жами қуввати 116,4 минг тонна бўлган 17 та агрологистика марказлари 2020 йилда ишга туширилди: Фаргона вилоятида 9 та қуввати 102,4 минг тонна Андижон вилоятида 3 та қуввати 77 минг тонна, Сурхондарё вилоятида 8 та умумий қуввати 111,3 минг тонна, Самарқанд вилоятида 7 та умумий қуввати 161,1 минг тонна ва бошқалар [9].

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Амалиётда кўпчилик қишлоқ хўжалиги соҳасида бизнес-режаларни ҳисоблаганда маҳсулотни ишлаб чиқаришга (етиштиришга) кетадиган харажатларга асосий эътиборни қаратади. Аммо маҳсулотни сақлаш ва уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантириш инфратузилмасига сарфланган харажатлар, одатда, ҳар бир гектар майдон ҳисобига, боғни барпо қилишдан қимматроқقا тушади. Кўпчилик мева-сабзавотларни этиштирувчилар буни тушунмайди ва ҳисобга олмайди.

Бирон бир бизнес-режада маркетинг харажатлари ҳисобга олинмайди. Совет Иттифоқи даврида мавжуд бўлган маҳсулотлар тақчиллиги (дефицити) шароитида бўлганидек, маҳсулотларнинг ўз-ўзидан сотилиши тахмин қилинади. Кўпчилик бу борада давлатдан кўмак ёки маълум қўллаб-қувватлаш чораларини кутади.

Иккала ёндашув ҳам нотўғри. Фақат самарали маркетинг даромад олишда ёрдам беради, қолганлари эса харажатлардир. Шуни тушуниб этиш лозимки, ҳозирги кунда дунёнинг ҳеч бир ҳудудида маҳсулотлар тақчиллиги (дефицити) йўқ. Аммо маркетинг бепул эмас – бу маълум харажатларни талаб қиласи. Масалан, кўргазмаларда қатнашиш, бизнес-шерикларга ташриф буюриш, музокаралар ва х.к. Буларнинг барчаси арzon турмайди.

Авваламбор, сақланиши керак бўлган маҳсулотлар далага яқин бўлган омборларда сақланиши керак, чунки бундай маҳсулотлар учун ҳар бир соат ғанимат. Агар йиғим-теримдан кейин бу маҳсулотлар маҳсус шароитли омборларга тез орада жойланмаса, уларнинг сифати кескин пасайиб кетиши мумкин. Шунинг учун маҳсулотни сақлаш алоҳида бизнес эмас – бутун дунёда маҳсус омборхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг кооперативларига тегишли. Бошқача қилиб айтганда, бу бизнес ишлаб чиқарувчилар назорати остида. Агар маҳсус омборлар сони этарли бўлса, маҳсулотни сақлаш орқали қўшимча даромад олиш имконяти деярли йўқ. Бундай

шароитда маҳсулот нархлари бутун мавсум давомида барқарор бўлиб қолади. Агар маркетинг харажатлари бизнес-воситачига “юкланса”, деярли бутун фойда ҳам унда қолади.

Шунинг учун, мамлакатимизнинг иқтисодий барқарор ривожланишида қишлоқ хўжалигининг аҳамиятини кучайтириш ва унда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг экспорт потенциалини оширишда қуидаги тавсияларни амалга ошириш зарур. Ана шу мақсадга қуидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ташқи савдода жаҳон стандартлари сифат даражасига эришган мева-сабзавотларни сотишни йўлга қўйиш;
- мева-сабзавотлар экспортида ташқи савдодаги тўсиқларни бартараф этиш;
- экспорт божларини камайтириш, айрим мева-сабзавотларга бутунлай бекор қилиш;
- маҳсулотларни реклама ва намойиш этиш тадбирларини амалга ошириш;
- экспорт ва импорт операцияларини доимий тартибга солиш;
- мева-сабзавотлар экспортида сугурта шартномаларини ўз вақтида тузиш ва бошқалар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. Абдуллаев, Н.А. Нажмутдинова, С.А. Конспект лекций по логистике. <http://eor.dgu.ru/lectures/project/p8aa1.html>.
2. Гаджинский, А.М. (2012). Логистика. Дашков и К°.
3. Иванов, Г. Г. (2016). Складская логистика. Инфра-М.
4. Иминов, Т., Султонов, Қ. Logistic infrastructure development future. Eurasian journal of media and communications. Volume 1. November, 2021. 36-40.
5. Иминов, Т., Рахимова, Г. Issues of development of motor transport logistics in Uzbekistan. Eurasian journal of media and communications. Volume 1. November, 2021. 44-48.
6. Мирзиёев, Ш.М. (2017) Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбарфаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон.

7. Саматов, Г.А. Камилджанов, Б.И. Галимова Ф.Р. (2012). Логистик бошқарув концепциялари ва моделлари. Монография.
8. Салимов, Б.Т., Юсупов, М.С., Юсупов, А.С. (2015). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш. Fan va texnologiya.
9. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.